

Ўзбек адабиётиётига катта хисса кўшган Абдулла Каххор 1907 йили Кўкон шахрида темирчи оиласида дунёга келди. Ўрта маълумотни Кўконда олган Абдулла 1925 йили Тошкентга келиб, «Кизил Ўзбекистон» рўзномасида ишлайди.

У Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг педагогика факултетида (1930) тахсил олди. Ёзувчи «Совет адабиёти» ойномасида масъул котиб, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Давлат нашриётида мухаррир лавозимларида ишлади (1954—1956). Абдулла Каххорнинг ижоди 1924 йилдан бошланган. дастлаб, «Муштум» ойномасида, «Янги Фаргона» ва «Кизил Ўзбекистон» рўзномаларида унинг хикоя ва фелъетон, хабарлари босилди. Ёзувчининг «Олам яшаради» номли биринчи хикоялар тўплами 1938 йилда чоп килинди. 30-йилларда адибнинг «Хикоялар» тўпламлари (1935, 1938, 1939) китобхонлар кўлига тегди. Бу даврда Абдулла Каххор кичик хикоялардан ташкари «Сароб» (1935) романини ёзди. Улуг Ватан уруши йилларида ёзувчининг бир канча фелъетон, очерк ва хикоялари эълон килинди. «Асрор бобо», «Дардакдан чиккан кахрамон», «Кампирлар сим коқди», «Хотинлар» хикоялари ва «Олтин юлдуз» каби киссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиги, халкимизнинг меҳнатдаги жонбозлиги, юксак ватанпарварлиги ифодаланган.

Ёзувчининг урушдан кейинги йилларда яратган «Кўшчинор чироклари» (1951) романи коллективлаштириш мавзуга бағишланган. У ўзининг «Шохи сўзана» (1951), «Огрик тишлар» (1954), «Тобутдан товуш» (1962), «Аяжонларим» (1967) комедиялари билан ўзбек драматургияси ривожига салмоқли хисса кўшди. Айниқса, «Шохи сўзана» пьесасида драматург кўрик ва бўз ерларни ўзлаштиришнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ахамиятини махорат билан тасвирлади. Пьеса мамлакатимиз ва кардош демократик республикалар сахналарида муваффақиятли намойиш килинди. Мазкур пьеса Иттифок давлат мукофотига сазовор бўлган.

Ёзувчининг «Синчалак» (1958), «Мухаббат» (1968), «Ўтмишдан эртақлар» (1965) киссалари ўзбек прозасининг тараккиётига муҳим хисса бўлиб кўшилди. У «Ўтмишдан эртақлар» киссаси учун Ойбек («Болалик»), Н. Сафаров («Кўрган-кечирганларим») каби адибларнинг автобиографик киссалари каторида Хамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбек китобхонлари Абдулла Каххор таржимасида М. Горкийнинг «Менинг дорилфунунларим» , (1935) Ф. Гладковнинг «Овли от» (1933), Л. Н. Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» романининг I—II китобларини ва бошқа бир катор асарларни ўз она тилиларида ўқишга муваффақ бўлдилар.

Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони, орден ва медаллар билан тақдирланди. У 1988 йил 25 май куни Москвада 61 ёшида вафот этди.